

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Вилоят ҳокими ўринбосари,
вилоят ҳокимлиги хузуридаги
жамоатчилик Кенгаши раиси



М.Мамадиярова
октябрь 2023 йил

Вилоят ҳокимлигига ўтказилган йиғилиш
БАЁНИ № 25

2023 йил 4 октябрь

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи:

М.Мамадиярова-вилоят ҳокими ўринбосари в.б.

Иштирок этганлар:

Вилоят ҳокимлиги хузуридаги жамоатчилик
Кенгаши аъзолари (рўйхат бўйича).

КУН ТАРТИБИ:

**2023 йил учинчи чорак якунлари бўйича амалга оширилган ишлар
муҳокамаси ва тўртинчи чорак давомида амалга оширилиши лозим бўлган
устувор вазифалар тўғрисида.**

(Мамадиярова, Кенгаши аъзолари,..., Мамадиярова)

Кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган фикр, такли ва
мулоҳазаларни инобатга олиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кун тартибидаги масалалар юзасидан вилоят ҳокими ўринбосари в.б.-
оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи М.Мамадиярованинг ахбороти
маълумот учун қабул қилинсин.

2. Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича 2023 йилга мўлжалланган
прогноз дастурларининг ижроси Томди, Учкудуқ ва Хатирчи туманларида
бажарилмаганлиги ва бу ҳудудларда ташкил этилган тизим фаолияти қониқарсиз
эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Туман ва шаҳар маҳалларида соҳа ёналишидаги муаммоларни тизимли
ўрганиш ва уларни бартараф этишнинг янгича ёндашувини жорий этиш
мақсадида шаҳар ва тумналар ҳокимларининг – Оила ва хотин-қизлар
масалалари бўйича ўринбосарларининг ҳафталик иш режаларини ишлаб
чиқилсин ва шу асосда ишларни самарали ва натижадорликни назарда тутган
ҳолда ташкил этилсин, натижалари тўғрисида вилоят ҳокимлигига ахборот
бериб бориш тизими йўлга қўйилсин.

4. Хотин-қизларни ижтимоий-иктисодий қўллаб-қувватлаш, уларнинг оғир
ижтимоий масалаларини тизимли ҳал этиш, оиласвий ажримлар ва бошқа

муаммоларга дуч келишининг олдини олиш, касб-хунарга ўқитиш, бандлигини таъмглашда кўмаклашишга Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари билан узвий ҳамкорлик тизими йўлга қўйилсин.

5. Хориждан қайтган меҳнат мигрантлари билан индивидуал иш олиб бориш, бунда хориждан тажриба ва билим орттириб келган аёлларни қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари кўрилсин.

6. Оилавий ажримларнинг олдини олиш ва маънавий муҳитни мұстаҳкамлаш мақсадида:

никоҳга кираётган шахсларнинг никоҳдан олдинги тиббий кўрикдан тўлиқ ўтишларини таъмйнлаш;

оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш, ажрим ёқасида турган оилалар билан индивидуал тиббий-психологик сухбатлар ташкил этиш, узлуксиз равишда тегишли кўрсатмалар бериб бориш мақсадида “маҳалла бешлиги” ва “тиббиёт муассасалари” ўртасида ҳамкор тизимини жорий этиш чоралари кўрилсин.

7. Жиноят содир этган, пробация ҳисобида турган ва профилактик ҳисобга олинган хотин-қизлар билан индивидуал ишлаш тизимини яратиш учун алоҳида режа ишлаб чиқилсин, унда оилавий муаммоларини “фуқаробай”, “хонадонбай” ўрганиш ташкил этилсин.

8. Жиноят содир этишга мойиллиги юқори бўлган хотин-қизлар билан профилактик сухбатларни ташкил этиш, келгусида улар томонидан жиноят ёки хукуқбузарликлар содир этилишининг барвақт олдини олиш бўйича шакллантирилган рўйхатларни профилактика инчпекторига назорат ўрнатиш учун тақдим этиш ҳамда уларнинг жиноят содир этишдаги ижтимоий хавфлилик даражасини таҳлил қилган ҳолда “яшил”, “сариқ”, “қизил” тоифага ажратиш чоралари кўрилсин.

9. Профилактика (катта) инспекторлари томонидан ҳудудда хотин-қизлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун расмийлаштирилган хulosалар натижаси бирма-бир таҳлил қилинсин, унга кўра, ҳозирга қадар ечимини топмаётган масалаларни тоифага ажратиб, ижобий ҳал этиш учун тегишли идора ва ташкилотларга йўналтириш ҳамда улар томонидан ўз вақтида бажарилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатилсин.

10. Жиноят содир этган, пробация ҳисобида турган ва профилактик ҳисобга олинган ишсиз хотин-қизларни ижтимоий-иктисодий томондан қўллаб-куватлаш мақсадида уларнинг рўйхатларини шакллантириб, бандлигини таъминлаш учун Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимларига тақдим этиб бориш амалиёти йўлга қўйилсин.

11. Тазиик ва зўравонликка учраган хар бир хотин-қизлар билан индивидуал ишлаш учун алоҳида назорат режаларини ишлаб чиқиши, келгусида уларга нисбатан қайта тазиик ва зўравонлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида маҳалла бешлигига оилабай тақсимланган ҳолда бириктириш чоралари кўрилсин ҳамда улар томонидан ҳар куни ушбу оилалардаги низоли масалалар бўйича хабардор бўлиб туришлик амалиёти йўлга қўйилсин.

12. Вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.03.2022 йилдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-куватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги ПФ-87-сон Фармони билан белгилаб берилган хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастурни 2022-2023 йилларда амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режасининг тўлиқ ва белгиланган муддатларда сўзсиз бажарилишига шахсан масъулдир.

13. Вилоят мутасадди корхона ва ташкилотлар раҳбарлир ҳамда туман ва шаҳарлар ҳокимлари:

гендер тенгликка эришиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

хотин-қизларнинг таълим олишлари учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш ҳамда уларни илм-фан соҳасига кенг жалб этиш;

хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш чораларини кучайтириш;

хотин-қизлар орасида тазиқ ва зўравонликка учраш ҳамда одам савдоси курбони бўлиш ҳолатларининг олдини олиш;

жазони ижро этиш муассасасида сақланаётган, чет элга чиқиб кетган, давлат ва жамоат ташкилотларида ҳамда хусусий секторда меҳнат қилаётган хотин-қизларни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш ва уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоясини янада кучайтириш;

ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш чораларини янада такомиллаштириш;

нуроний онахонларни эъзозлаш, уларнинг билим ва бой ҳаётий тажрибасидан оилаларни мустаҳкамлаш, қизларнинг таълим-тарбияси, маънавий дунёқарашини юксалтиришда фойдаланиш, шунингдек, уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун шарт-шароитларни яратиш;

оила институтини мустаҳкамлаш, умуминсоний ва миллий қадриятларни тарғиб этиш орқали оилалардаги соғлом ва маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш;

хотин-қизлар орасида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларда ҳуқуқий маданият ва амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини ошириш чора-тадбирларини тизимли давом эттириши вазифалари топширилсин.

14. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳарлар Кенгашлари депутатларига:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.03.2022 йилдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-кувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-87-сон Фармони билан белгилаб берилган вазифалар асосида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш, оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларида амалга оширилаётган ишлар ва мавжуд камчиликларни халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари сессияларида муҳокама қилиш ҳамда тегишли мутасаддиларга мунтазам депутатлик сўровларини юбориш тавсия этилсин.

15. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати, вилоят телерадикомпанияси, “Дўстлик байроби” ва “Знамя дружбы” газеталари таҳририятига хотин-қизларнинг ҳукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, соғлиғини сақлаш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, эҳтиёжманд хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасидаги вазифалар ижроси доирасида амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

16. Ушбу йиғилиш баёни қарорининг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдирман.

Тайёрлади

Ж.Атауллаев